

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪССИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимизни, шунингдек, ишлагандан, ҳаётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдиди масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналарни муносиб тақдирлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил

28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сонли Фармони асосан:

1. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилсин.
2. Қуйидагилар:
"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;
"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2, 3-илваларга мувофиқ;
"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақ-

дирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белги (кейинги ўринларда – "Меҳнат фахрийси" белгиси)нинг тавсифи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари, уларнинг гувоҳномалари ва "Меҳнат фахрийси" белгиларининг тайёрланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари, уларнинг гувоҳномалари ва "Меҳнат фахрийси" белгиларини тайёрлаш учун зарур пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 1-илова

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишлагандан, ҳаётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдиди масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналар тақдирланадилар.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандига мувофиқ:

I даражали кўкрак нишони билан камида 35 йиллик меҳнат стажига эга шахслар;

II даражали кўкрак нишони билан камида 30 йиллик меҳнат стажига эга шахслар;

III даражали кўкрак нишони билан камида 25 йиллик меҳнат стажига эга шахслар, шунингдек, жамиятда ҳурмат қозонган ишлайдиган оналар тақдирланадилар.

3. I даражали кўкрак нишони юқори даражали ҳисобланади. II ёки III даражали кўкрак нишони билан тақдирланганлар кейинчалик унинг юқори даражалари билан босқичма-босқич мукофотланиши мумкин. Бир даражадаги кўкрак нишони такроран берилмайди.

4. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид тақлифлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси (кейинги ўринларда – "Нуроний" жамғармаси)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларига берилади.

5. "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларининг тақлифлари ҳар йили 25 декабрда "Нуроний" жамғармасининг Васийлик кенгашига тақдим этилади.

6. Тақдим этилган тақлифларни кўриб чиқиш ва кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодларни танлаб олиш тартиби "Нуроний" жамғармасининг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

7. Кўкрак нишони билан тақдирлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор "Нуроний" жамғармасининг ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. I даражали кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди, II даражали кўкрак нишони билан муко-

фотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари "Нуроний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Кўкрак нишони, унинг гувоҳномаси ва пул мукофоти "Наврўз" байрами арафасида "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда тиббий хизматдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

11. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 2-илова

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИНИНГ ТАВСИФИ



"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

I даражали кўкрак нишони тилла рангда;
II даражали кўкрак нишони кумуш рангда;



III даражали кўкрак нишони бронза рангда бўлади. Кўкрак нишонининг олд томонида қанотларини ёзган Ҳумо қўши тасвири акс эттирилган. Унинг тепа қисмида кўкрак нишони даражасини ифодалайдиган бўйи 4 миллиметрли "I", "II" ёки "III" – рим рақамидидаги сон ва



диаметри 1,8 миллиметрли саккиз қиррали юлдуз жойлашган. Ушбу тасвирнинг умумий баландлиги 22 миллиметрли, эни 23 миллиметрли ташкил этади.

Кўкрак нишонининг олд юқори қисмида саккиз қиррали юлдузлар оралиғида икки қаторда ҳарфларнинг

баландлиги 2 миллиметр бўлган "MEHNAT", "FAHRIYSI" ёзуви жойлашган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган "KO'P YILLIK", "HALOL", "MEHNATI", "UCHUN" ёзуви жойлашган. Унинг атрофи диаметри 30,7 миллиметр бўлган нақш билан ҳошияланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.


Кўкрак нишони ҳалқа ва ilmoқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ўртасидан эни 8 миллиметрли ок йўл, икки четидан эса ҳар бирининг эни 7 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини қийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 3-илова

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИ ГУВОҲНОМАСИНИНГ ТАВСИФИ



"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинлиқдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда

бўлиб, плёнка билан қопланган. Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, икки бурчаклари айлана шаклида бўлган оқ рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасида (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Mehnat faxriysi", иккинчи сатрда "ko'krak nishoni" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда "GUVONNOMASI" (катта ҳарфларда, "Times new Roman Bolt" шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг икки томони (иккинчи ва учинчи бетлари) "Тангир" тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган. Икки томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг икки ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасида 8 миллиметр пастда, марказда "GUVONNOMA" (катта ҳарфларда, "Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун "№" белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

"GUVONNOMA" сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фами-

лияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 5 миллиметр куйида, марказда оралиғи 1,5 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "O'zbekiston faxriylarining ijtimoiy", иккинчи сатрда "faoliyatini qo'llab-quvvatlash", учинчи сатрда "Nuroniyl jamg'armasi", тўртинчи сатрда "Vasiylik kengashining" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 4 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "20_у._" сўзи ёзилган, иккинчи сатрда "sonli Qaroriga asosan" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Mehnat faxriysi" сўзи ҳамда кўкрак нишонининг даражаси ҳақидаги ёзув ("Times new Roman Bolt" шрифти, 12-кегль), иккинчи сатрда "ko'krak nishoni bilan mukofotlandi" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Vasiylik kengashi", иккинчи сатрда "raisi" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 4-илова

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ШАХСЛАР ЯШАЙДИГАН ХОНАДОНЛАР ВА УЙ-ЖОЙЛАР ЭШИКЛАРИГА ЎРНАТИЛАДИГАН БЕЛГИ ТАВСИФИ



"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белги 210x80 миллиметр

ўлчамли тўртбурчак шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Белгининг чап томонида қанотларини ёзган Ҳумо қўши ва унинг тепасида кўкрак нишони даражасини белгиловчи "I", "II" ёки "III" – рим рақамидидаги сон ҳамда саккиз қиррали юлдуз тасвири акс этган. Ушбу тасвирнинг умумий баландлиги 55 миллиметрли, эни 51 миллиметрли, рим рақамидидаги соннинг бўйи эса 9 миллиметрли ташкил этади.

Белгининг ўнг томонида ҳарфларнинг баландлиги 5,6 миллиметр, сатрлар оралиғи 3,8 миллиметр бўлган олти сатрли матн жойлашган. Биринчи сатрда "Bu yerda" сўзи ҳамда кўкрак нишонининг даражаси ҳақидаги ёзув, иккинчи сатрда "Mehnat faxriysi" ko'krak nishoni", учинчи сатрда "bilan taqdirlangan fuqaro", тўртинчи ва бешинчи сатрларда катта ҳарфларда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, олтинчи сатрда "istiqlomat qiladi" сўзлари ёзилади.

Белгининг қалинлиги 1,5 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар ботиқ шаклда бўлиб, белгининг четлари тўғри чизиклар билан ўралган.

□ Давра суҳбати

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Сўз масъулияти, гражданлик позицияси, маънавий жасорат – журналист фаолиятининг бош мезони" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

СЎЗ АЙТМОҚ
САОДАТИ

Газета ва журнал, радио ва телеканалларимизда фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимиз, соҳа мутахассислари ва устозлар иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифалар, улар ижроси ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, моддий-техник базасини янада ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширишга алоҳида таъкидланди. Шунингдек, журналист халқ билан давлат орасидаги кўприк сифатида келажаки олдидан кўра билиши ва ҳаммадан бир қадам олдинда юриши шартлиги, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритишда фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида сўз масъулияти, журналист позицияси, кадрлар тайёрлаш масаласи, интернет нашрларининг шиддат билан ривожланиб, қўндалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётгани, бугунги кунда ЎЗ доменда 400 дан ошмиқ веб-сайт ва ахборот порталлари фаолият юритаётгани, уларнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари бугунги кун аниқликларини халқимизга тезкорлик ва ҳолислик асосида етказиши зарур, – дейди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Садуллоҳ Ҳақимов. – Шунинг баробарида мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида таҳлилий-танқидий мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрланиши керак. Яна бир жиҳат, айтиш кунда интернет журналистикаси тез суратларда ривожланиб бормоқда. Шундай экан, журналистларимиз ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиши лозим бўлади. Акс ҳолда, замондан, воқеликлардан ортада қолади.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларида мавзуларни дадил ва очиқ-ойдин ёритишда сусткашликка йўл қўйиладигани, айрим журналистларимизга бу борада маҳорат етишмаётгани афсус билан таъкидланди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

□ Ёз – 2017

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёзги соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган тизимли тадбирлар ҳам ана шу хайрли мақсад рўйбига хизмат қилади.

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Бу йилги мавсум давомида вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши қошидаги 21 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 15 минг нафардан ортиқ, вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидagi умумтаълим мактабларида ташкил этилган 160 та кундузги оромгоҳларда эса 17 минг 600 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, жорий йилда 775 нафар Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари, 641 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳақида 1 минг 233 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бепул соғломлаштирилмоқда. Шу билан бирга, бугунгача Хоразм вилоятидан 1 минг 250 нафар бола қабул қилиниб, мароқли дам олдирилди. Жумладан, "Бойчечак" соғломлаштириш оромгоҳида Оролбўйидан келган 550 нафар, "Йўлчи" оромгоҳида 100 нафар, "Мехржон" оромгоҳида 600 нафар болалар соғломлаштирилди.

НУРОНИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Оҳангарон туманида "Фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

□ Кучли фуқаролик жамияти сари

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари,

вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, туман фаоллари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Мамлакатимизда нуронийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш, уларни маҳалла ва жамиятда тинчлик-осойишталикни асраш, оилаларни мустаҳкамлаш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишлари

кўнг жалб этиш хусусида фикр алмашилди. – Кекса авлод вакилларининг эҳтиёжи ва қизиқишидан доимо хабардор бўлиш, турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш замонавий жамиятнинг устувор вазифалардан дидир, – дейди "Нуроний" жамғармаси република бошқаруви раиси Ш. Жалилов. – Кексаларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида жойлар-

да амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада юксалтириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик тартибида фуқаролар йиғини (овул, қишлоқ, маҳалла) раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Бу уларнинг фаол ҳаёт кечириши ва айтиш пайтида жамият раёнида муносиб иштирок этишига хизмат қилади. Семинарда нуронийларнинг уюшмаган ёшлар билан ишлашдаги ўрни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ху-

қуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда диний идоралар билан ҳамкорлик масалалари каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтказилди. Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар иштирокида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар, нотинч оилалар ва ажримларнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни ўтказишда меъёрга амал қилиш, маҳаллада ўзаро аҳиллик ва маромиётчиликни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.


□ Оилавий бизнес

Куйи чирчиқлик Шерали Ўрозов ҳамда Соҳиба Назарқуловалар оиласи туманнинг Беруний номли маҳалласида барчага ибрат бўлган, ёшу қарининг алоҳида ҳурматиға сазовор оилалардан саналади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор...

ДАРОМАДИ ҲАМ «АСАЛ»

Мана, беш йилдирки, улар асарларчилик билан шуғулланади. Асли касби ўқувчи бўлган, ҳозир тумандаги 48-умумтаълим мактабда ўқувчиларга математикадан сабоқ бериб келаётган оила соҳибининг асарларчиликни танлагани бежиз эмас, албатта.

– Асарларчиликнинг ўзига хос гаши бор, – дейди Шерали Ўрозов. – Биласиз, қўёш нурига тўйинган турли гуللاردан олинган асал инсон учун нафақат табиий тўйимли озуқа, балки кўпга касалликларни даволашда қўлланиладиган фойдаланарлиқ шифобахш неъматдир. Асални меъёрида истеъмол қилиб юриш ошқозон-ичак касалликларининг олдини олади, иммунитетни оширади. Биологик фаол моддаларга жуда бой бу маҳсулот инсоннинг қон босимини меъёрлаштириш хусусиятига ҳам эга. Асалари муми ва сути ҳам шифобахш маҳсулот ҳисобланиб, замонавий тиббиётда кенг қўлланилади. Фармацевтикада дори-дармон сифатида ишлаб чиқарилаётган она ари сутиди В, Е витаминлар, аминокислоталар мавжуд. Тадбиркор соҳа мута-



хассисларидан олган амалий ва назарий билимлари, тавсияларидан ташқари, асарларчиликка оид адабиёт ва қўлланмаларни ҳам мунтазам ўқиб, ўрганиб боришдан эринмайди. 2012 йили фаолиятини 2 та асарли оиласини парварishiлашдан бошлаган тадбиркор ҳозирда асалари уларини 20 тага етказди. Унинг айтишича, ҳар бир оиладан йилига 3-4 маротаба, ўртача 30-35 килограмм асал олинади. Албатта, натижа парваришга ҳам боғлиқ.

– Бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш мақсадида бошлаган асарларчилик ҳозир оилавий фаолиятимизга айланди, –

дейди хонадон бекаси Соҳиба Назарқулова. – Аммо, асарларни, парвариш қилишнинг ўзига яраша меҳнати ва машаққати ҳам бор. Бугун яхшигина даромад манбаига айланган соҳани йўлга қўйиш учун кўп изланишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келган. Лекин, астойдил ҳаракат қилган кам бўлмайди. Бунга эришаётган натижаларимиз мисол.

Хонадон соҳибларининг асосий мақсади асарларчиликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиб, аҳолини шу турдаги арзон ва шифобахш маҳсулот билан таъминлашдир.

Покиза ЭРҒАШЕВА.

Паркент тумани Ҳисарак қишлоғининг "Қўёш" маҳалласида яшовчи Зафар Ўтабоев ўтган йиллар мобайнида қўёнчиликни йўлга қўйиб, "Кулранг великан", "Шиншила", "Калифорния" турларига мансуб 100 дан ортиқ жониворларни парваришлаб келмоқда.

ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАСИ

3. Ўтабоев хонадонининг этагида олма дарахлари меваларини кўтара олмай, шохлари эгилиб турибди. Ичкарида қўёнлар учун симтўрдан қилинган катаклар қатори териб қўйилган. Оқ, қора, кулранг ва ола ранглардаги қўёнчалар, озуқланаётган она қўённинг янги туғилган болалари экан. Уларни бирма-бир қўлга олиб, Зафар Ўтабоев шундай дейди:

– Қўёнлар яхши боқилса ҳар 30 кунда уричи, болалади. Меъёрида парвариш қилинган қўёнлар 5 кг.дан 10 кг.гача етилади. Улар асосан омухта ем, буғдой, қўқ беда, сабзи ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Она қўён 5 тадан 8 тагача болалади.

У катта бир она қўённи қўлга олди. "Кулранг великан" қўёни яқинда 8 та болача, уларнинг қорнини тўйдириш учун ўзи ҳам тинмай беда қавшарди. Ёшимга жўра бу жониворлар, болаларига ҳам жуда меҳрибон бўлар экан. Бу ҳақда Зафар Ўтабоевнинг рафикаси тушунча бериб ўтди.

"Иш биланга минг таंगा" деганларидек, хонадонда қўёнлардан ташқари яна 7 бош соғин эчки ва 20 бош товуқлар борлигини, улардан олинадиган даромад ҳам қониқарли эканини суҳбат жараёнида тушундик.

Дониёр ҚҮРБОНХҲАЕВ.



ТИНЧЛИК – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

Чиноз туманида "Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ Тадбир

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир Президентимизнинг шу йил 15 июнь куни пойтахтимизда ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мураккаб таъминнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида-

ги анжуманда сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди. Партия вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, туман бош имомхатibi, тумандаги Халқ қабулхонаси мутасаддилари, фаоллар иштирок этган тадбирда юрти-мизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва

халқимиз фаровонлиги тинчликпарвар сиёсатимиз, глобаллашув даврида аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор самараси экани таъкидланди.

– Оилада, ўзимиз яшаб турган маҳаллада, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни асраш барчимизнинг муқаддас бурчимиздир, – дейди партиянинг Чиноз тумани кенгаши

раиси Ш. Нимомиддинов. – Бу жараёнда маънавиятни юксалтириш, ёшларнинг китоба қизиқишини ошириш, уларда мутлоаа маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларда жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши керак. Партиямиз дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаралтирилган.

ЎЗА.

□ Гапнинг очиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсий партиялар ва парламент вакиллари билан учрашуви биз учун жуда катта сабоқ бўлди. Айниқса, партияларнинг жамиятда тутган ўрни учун бу учрашув ва эътиборнинг аҳамияти бекиёс.

ДЕПУТАТ, ВАЪДАГА
ВАФОЛАРИНГ ШУМИ?..

Президент маърузасида, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига нисбатан билдирилган танқидий фикрлар жуда ўринли. Бу, албатта, биздан иш услубимизни ўзгартиришни, ҳар бир масалага ижодий ёндашуви-мизни талаб қилади. Очиги, сайловларда катта ваъдалар билан халқнинг олдига чиққанмиз. Тўғри-да, кимдир: "Сайловларда берган ваъданг қани, лафзинг борми?" деса, нима деб жавоб берамиз?

Бугун халқимиз сергак, одамларимиз фаол. Улар биздан кўп янгилик кутмоқда. Нима учун биз катта юкни елкамизга олиб, ислохотлардан орқада қоляпмиз?

Фан, таълим ва тиббиёт соҳаларида партия-мизнинг фаоллиги етишмаслиги рост. Ҳақиқатан ҳам, биз оқсоқлик қилдик. Жорий йилда бу йўналишда партия биронта ҳам ташаббус кўрсатмаганининг ўзи сусткашлигимиздан далолат беради.

Президентимиз эса жорий йилнинг ўзида илм-фан намоёндалари, олимлар, зиёлилар билан учрашиб, уларни қўллаб-қувватлади, замонавий технопарклар, эркин иқтисодий зоналар, инновацион марказлар ташкил қилиш чораларини кўрди. Буларга бутун халқимиз гувоҳ. Айниқса, олий таълим квотасининг оширилганлиги, нострификациядаги энгилликлар, 11 йиллик ўрта таълим тизимини қайта жорий этиш ҳақидаги ташаббуслар ота-оналарнинг, барча ёшларнинг юрагидаги гап бўлди.

Маърузада ўринли таъкидланганидек, партиямиз ўз дастурларида суд-ҳуқуқ соҳасига алоҳида ўрин ажратган. Бу борада партиянинг ташаббус кўрсатмаганини тан оламиз. Хусусан, "Адолат" – қонун устуворлигида, "Куч – адолатда" каби ғояларни илгари суриб, судлар мустақиллигини, суд қарорларининг қонуний-

лигини, фаолиятининг очиллигини таъминлаш зарурати ҳақида сайловчиларга берган ваъдаларимиз бўйича бирон-бир асосланган тақлиф киритолганимиз йўқ.

Очигини айтсак, Президентимизнинг соҳага доир Фармон ва Қарорларида биз берган ваъдалар босқичма-босқич ўз ечимини топётгани қувонтиради, бу ташаббус биздан чиқмагани уялтиради.

Тўғри-да, "Куч – адолатда" шиори билан чиққан партиянинг одил судлов органлари фаолиятини халқроқ талаблар даражасига кўтариш, адвокатура институтини кенгайтириш, ҳақамлик судларини янада ривожлантириш каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазалари бўлмаса.

Партия раҳбарларини "Ҳадемай сайловлар бўлади, биз сайловчилар олдига нима деб берамиз?", деган масала уйлантиради. "Сайловларда берган ваъдаларимизни бажардик, яна бизга овоз беринлар", деса: "Кечирасиз, буларни Президент қилди", деб жавоб қайтаришлари аниқ. Аслида, бу ишларда партиямиз ва ундан кўрсатилган депутатларимиз ҳам ташаббускор бўлиши керак эди.

Халқимизда "Дўст айтиб" тапиради", деган пурмаёно ҳикмат бор. Биз, албатта, бу тарихий йиғилишдан тўғри хулоса чиқарамиз. Фаолиятимизни танқидий таҳлил қиламиз. Барча ишларимизни шайсий жавобгарлик ҳисси билан тез кунда қайта кўриб чиқамиз. Уларнинг самарали механизми устида ишлаймиз. Сайловчиларимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Партиямизнинг халқ орасида обрўсини ошириш бўйича барча чораларни кўрамиз ва бу ҳақда аҳолини хабардор қилиб бора-миз.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат"
СДП Сийосий Кенгаши
раиси ўринбосари.

Янгиликлар,
хабарлар,
таҳлилий-
танқидий
мақолалар
билан газе-
тамизнинг интернетдаги манзили
– www.thtp.uz
орқали ҳам танишишингиз мумкин.

тириш мумкин. Ачинарлиси, уларга қўл урган шахслар осон пул топишни мақсад қилганидир.

Мана, куни кеча содир бўлган воқеадан ёқангизни ушлайсиз. Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғида яшовчи уй бекаси Саломат Машрапова автомобилда уйдан тахминан 100 метр узоқлашганда йўлнинг ўртасида тўсиқ турганини кўриб, тўхтади. Тўсиқни йўлнинг чеккасига олиб, автоуловига ўтираётган вақтида ниқоб остига яширинганлар ҳужумига учрайди. Барзангилар унинг машинасидаги 6 миллион 550 минг сўм пули, 250 АҚШ доллари, смартфон ва тилла зирагини тортиб олади. Тезкор чора-тадбирлар натижасида муштурларнинг бари қўлга олинди.

Хуришда НАЗАРОВА.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Пайшанба – жиноатчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

Чирчиқ шаҳар ИИБга Зокиржон Муротов оғир тан жароҳати билан тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказига ётқизилгани ҳақидаги хабар келиб тушди.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Зокиржон Муротов маст ҳолда "Мардона" қурилиш моллари дўкони рўпарасида тарвуз сотаётган, ўрта чирчиқлик 1984 йилда туғилган Дониёр Юсупов билан ўзаро жанжаллашгани ва чап сон қисмига пичоқ орқали тан жароҳати етказилгани аниқланди. Шифонахда кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамай, Зокиржон Муротов жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Қизиқ, бу икки норғул йигит нимани талаш-ди экан? Дониёрнинг ҳақл

отиға миниб, пичоқни ишга солишига нима сабаб бўлди? Вилоятимизда жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан яшириниб юрган шахсларни ушлаш, аҳолининг паспорт тизими қоидаларига риоя этишини таъминлаш, қонун устуворлиги, адолат, тинчлик-осойишталик ва товуликни қарор топтириш мақсадида профилактик тадбирлар ва учрашувлар давом этмоқда. Лекин шунга қарамай, шу йилнинг 6 июлидан 13 июль кунига қадар 45 та жиноят қайд этилди. Улар орасида суиқасд, ўғрилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар бор. Ҳафта

давомида қидирувда юрган 20 нафар шахс ушланди. Илгари содир этилган 4 та жиноят очилди. Шунингдек, ҳафта давомида 13 минг 881 та хонадон ўрганилди. Ҳуқуқбузарлик содир этган 2 минг 613 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Майда безорилик содир этган 19 нафар фуқаро жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари билан маъмурий қамоққа олинди. Аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадида 47 марта йиғилиш ўтказилиб, 98 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

– Ангрен шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманида автоотропспорт воситаларини олиб қочган шахслар қўлга олинди, – дейди вилоят ИИБ бўлими бошлиғи Азмидин Бурҳонов. – Ангренлик Лоҳин, Асрориддин ва Оловхон Садоқат қўчаси, 6-уйнинг ҳовлисида турган фуқаро Адҳамжон Қомилговга тегишли "Дамас" автомобилини олиб қочади. Автоуловнинг йилдираклари, газ баллонни, ёритиш чироқлари, аккумулятор, автокўтаргичини ечиб олиб, юз минг сўм нақд пулни чўнтакка уришди. Бунинг натижасида, жабрланувчига жами беш миллион сўмлик моддий зарар етказилган.

Бундай жиноятларни яна кел-

Газета ва газетхон

мурожаат қилиб, муаммоларига ечим топишмоқда. Бу жараёнда "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳам фаол иштирок этиб келаётган. Газета саҳифаларида турли соҳаларга оид муаммолар ечими ҳақида мутахассисларнинг фикрлари чоп этилмоқда.

Куйида "Марказий банк" вилоят бошқармасининг пластик карточкалар тизимини мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Х. Азизов муштарийларимизнинг тизимга оид бир қатор саволларига жавоб беради.

ТЕРМИНАЛЛАР ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида пластик карточка жорий этилганига бир неча йил бўлди. Аммо, терминал масаласига оид муаммолар ҳамон кузатилаётган. Иш ҳақининг асосий қисми пластик карточкага ўтказилаётгани учун ҳамма савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида терминаллар бўлиши шарт эмасми?

Солиқ МУҲАРРАМОВ,
Зангиота тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб чакана савдо ва аҳолига

пуллик хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, яқна тартибдаги тадбиркорлар аҳолидан тўловларни пластик карточкалар ёрдамида қабул қилишни таъминлайдиган терминалларни ўрнатишлари мажбурий. Терминаллар ўрнатилмаган тақдирда улар фаолиятларини амалга ошириш

ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Шунингдек, тижорат банклари асосан тарихида 2017-2018 йилларда Процессинг марказларининг техник тавсифомаларига мувофиқ, ҳисоб-китоб тўлов терминаллари инфокиослар, банкоматлар ва бошқа тегишли ускуналарга тендер-танлов савдоларини ўтказмай, шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда тижорат банклари банкоматларни ўз маблаглари ҳисобига импорт қилиб, уларни аҳоли гавжум жойларда ҳамда йирик савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларидан ўрнатмоқдалар.

НАРХ ТЎЛОВ ШАКЛИГА БОҒЛИҚМИ?

Аксарият деҳқон бозорларида терминаллар бармоқ билан санарли. Борларини ҳам "бузилиб қолди", "таъмирлашга берилган" деган баҳоналар билан яширишади. Айниқса, савдо ходимларининг нақд пулга алоҳида, пластик карточкага бошқа нарх белгила олишгандан кўнглик норози бўлаяпти. Масалан, 25 килограмми бир қоп ун ёки беш литрли пахта ёғини пластик карточкаси орқали олмоқчи бўлсангиз, 10-12 минг сўм ортқича пул тўлашга тўғри келаяпти. Тўлов шаклидан қатъи назар, нарх бир хил бўлиши керак эмасми?

Пиримкул ШОДИМОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани.

2009 йил 27 июлда 1986-сон билан давлат рўйхатига олинган "Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом"га асосан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг тўлов терминалларидан фойдаланиш талабларига риоя этмаслиги, яъни турли баҳоналар билан тўловларни карточкалар орқали қабул қилмаслиги, товарлар (ишлар, хизматлар) нархларини асоссиз равишда ошириши савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Адлия вазирлигида 2005 йил 10 октябрда 1518-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида"ги йўриқноманинг 34-бандида "Жисмоний шахсларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолияти учун берилиши лозим бўлган нақд пуллари уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидан омонат ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин"лиги кўрсатиб ўтилган.

савдо мажмуаларида, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида мунтазам текширувлар ўтказди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан назорат-касса машиналарини ҳамда тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмай савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш, сотиб олувчиға қвитанция бериш, талон ва чек ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни тақдим қилиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни бермай товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этилса, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган ёки физикал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланилса, шунингдек, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилиш рад этилса, энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан жарима солиш чораси қўлланилади.

101 огоҳлантиради

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин. Бу офат туфайли бутун дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча одам бошпанасиз қолади, соғлиғидан айрилади. Айни пайтда, ёз мавсумида дам олишга, сайру саёҳатга чиққан ҳамюртларимиз беихтиёр оловга эҳтиёж сезади. Ана шунда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, албатта, эътибор бериш зарур.

БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ



Ишлаб чиқариш кор-

хоналари ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар эса иқтисодиётга катта зарар етказиши мумкин. Бунга йўл бўлаётган ҳолатларда ҳар бир фуқаро ёнғинга қарши фаол кураш олиб бориши лозим. Шунингдек, ёнғин турган газ ва электр печларини қаровсиз қолдириш, уларни ёш болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутмайлик.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина болаларнинг ёнғин таътилда бекор юриш-

лари ёки қуриган ўғилларни эрмак учун ёқиб қўйишлари ҳам ёнғинга сабаб бўлмоқда. Ана шундай локаллик туфайли эса аянчли воқеалар юз бермоқда. Зеро, ҳеч ким фарзанди ёки яқинларининг ёнғин туфайли ногирон бўлиб қолиши, ҳаётдан бевақф кетишини истамайди. Шу боис, огоҳлик ва ҳушёрлик кундалик шioriимизга айланиши, фуқаролар ҳам ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда ҳаракат қилишлари даркор.

Шераф ҚОДИРОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими.

МАОШНИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАГА ЎТКАЗИШ КИМНИНГ ИХТИЁРИДА?

Пластик карточка муомалага киритилганидан буён савдотик ва умуман, тўловлар анча қулайлашди.

Бироқ, кейинги пайтларда иш ҳақининг асосий қисми пластик карточкага ўтказилаётгани боис, деҳқон бозорларидан савзавот ва мевалар харид қилишда нақд пул тақчил бўлаяпти. Аслида иш ҳақининг қанчасини карточкага ўтказилиши унинг эгаси ихтиёрида эмасми?

Турдимурод МАЛИКОВ,
Қибрай тумани.

Пластик карточкага эгасининг хоҳиши билан исталган миқдорда пул кирим қилиниши мумкин. Шунингдек, Адлия вазирлигида 2015 йил 26 августда 2711-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банкларидан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг 17-бандига мувофиқ, омон-

натчиларнинг талаб қилиниши биланоқ бериладиган омонатлари талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатлардир. Банк пластик карточкаларидан фойдаланиш (электрон пластик омонат карталаридаги мuddатли ва жамғарма омонатлар бундан мустасно) талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатлар ҳисобланади, уларнинг ҳара-

кати алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Адлия вазирлигида 2005 йил 10 октябрда 1518-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида"ги йўриқноманинг 34-бандида "Жисмоний шахсларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолияти учун берилиши лозим бўлган нақд пуллари уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидан омонат ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин"лиги кўрсатиб ўтилган.

Мутахассис минбари

Вилоятимиз ўзининг ноёб, наботот ва ҳайвонот олами, шифобахш сув ҳавзалари, мўътадил иқлими билан, мамлакатимизнинг экологик бой ҳудудларидан ҳисобланади. Бундай табиий бойликларни асраб-авайлаш алоҳида масъулият ҳам юклайди.

ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБАСИ — ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Шуни таъкидлаш кераки, республикада ушбу масалага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун мустахкам ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатларда табиий бойликларни ҳимоя қилишда фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган.

Шу маънода Чиноз туманидаги мавжуд табиий ҳудудлар, дарахтзорлар ва сув ҳавзалари асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. Таъкидлаш кераки, туманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида ҳудудий Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда белгиланган чора-тадбирларга асосан экологик мувозанатни сақлаш ва аҳоли саломатлиги учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ундан оқилона фойдаланиш инспекция ходимларининг асосий хизмат вазифаларидан бирига айланган.

Маълумки, халқимиз ҳамisha табиатга меҳр билан муносабатда бўлиб келган. Лекин, гуруч курмасиз бўлмаганидек, юртдошларимиз орасида табиатга бепарвар бўлувчилар ҳам учраб туради. Инспекция

ходимлари томонидан ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, қабул қилинган дастур асосида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, фуқаролар ўртасидаги турли ноқонуний ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида назорат ишлари изчил олиб боришмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган даври мобайнида ўндан ортқича мана шундай қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Она табиатни асраб-авайлаш, табиий бойликларни келгуси авлодга беталафот етказиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тарғибот тадбирларини йўлга қўйиш ва тегишли масала ҳал қилиш бўлиб, табиат ҳимоя инспекцияси томонидан ҳар ойнинг учинчи чоршанбаси "Очиқ эшиклар кунини" деб белгиланди. Бундан ташқари, инспекция қошида ташкил этилган (0-371) 59-32-308 рақамли "Ишонч телефони" орқали фуқароларимиз мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришлари мумкин.

Уйлашимизки, кенг қўламада олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар инсон ва табиат ўртасида тобора мураккаблашиб бораётган экологик вазиятнинг яхшиланишига хизмат қилади.

Фуркат ИСЛОМОВ,
Чиноз тумани Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси давлат инспектори.

Хизматини рақамлаш

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!
Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат қўчаси мулк объектларини тўғридан-тўғри музокара (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майdonи (кв.м.)	Умумий ер майdonи (га)	Объект манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилгандаги фоизи	Савдо куни 2017 йил 16 август соат 11.00 да* Объектнинг сотиш киймати (сўмда)
1	Собик Янгиобод болалар боғчаси биноси-иншоотлари	473,24	0,4	Ангрен шаҳри, Янгиобод ҚФЙ ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 030 790 000,0	50	515 395 000,0
2	Марказий шифохонасининг онкология бўлими биноси	1248,05	0,51	Ангрен шаҳри, Дукент кўрғони, Ўқитувчилар кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 142 935 000,0	50	571 467 500,0
3	Собик техникум биноси	1451,85	1,8425	Чирчиқ шаҳри, (Охунбобоев) Заковат кўчаси, 2-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	7 363 390 000,0	50	3 681 695 000,0
4	"Шарк" МЧЖнинг 25 фониз давлат улуши	-	-	Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	"Шарк" МЧЖ	4 205 157 000,0	50	2 102 578 500,0
5	Қозонхона бино-иншоотлари	800,12	0,08	Бекобод шаҳри, Саноат ҳудуди	Бекобод шаҳар "Исиклик манбаи"	374 462 000,0	50	187 231 000,0
6	Собик болалар боғчаси бино-иншоотлари	428,75	0,270	Оққўрғон тумани, Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	181 000 000,0	50	90 500 000,0
7	"Орзу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари	2277,4	4,500	Охангарон тумани, Айрисой кўрғони	Охангарон тумани ҳокимлиги	2 470 781 000,0	50	1 235 390 500,0
8	Қурилиш тугалланмаган бино-иншоотлар	6349,29	10,000	Бўстонлик тумани, Чимён ҚФЙ ҳудуди	"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси	11 681 965 000,0	50	5 840 982 500,0
9	"Сойлик" клуби биноси	669,04	0,0669	Бўстонлик тумани, Сойлик ҚФЙ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	1 358 730 000,0	50	679 365 000,0
10	"Бурчмулло заргарлик заводи"нинг фаолият кўрсатмаётган мулкый мажмуаси	4801,69	2,2	Бўстонлик тумани, Бурчмулло ҚФЙ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	6 635 818 000,0	50	3 317 909 000,0
11	Диспансер бино-иншоотлари	2534,98	2,127	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2 907 315 000,0	50	1 453 657 500,0

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:
Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активини сотиш нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан сотувчининг қўйидаги банк рекевизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг Ғазначилик ҳисоб рақами: 2004218602626600000000000002, ИНН 200555539;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларида қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришномаси эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномасида кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

* — Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки куни 2017 йил 16 август ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2017 йилнинг 31 август, 15 сентябрь, 2 октябрь, 17 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Оммавий офертада қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) **Юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

б) **Жисмоний шахслар учун** — паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномасида сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

3. Етимлаб оғзи ёпилган иккита конвертга солинган, қўйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни қиритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

— агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоқда олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Таким этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли

Ишонч телефонларига

зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Фикрларимизни адабиётшунос олим Сайди Умировнинг "Маънавият мулкига саёҳат" китобидан келтирилган ушбу сатрлар билан бошлаганимиз беҳиз эмас. Зеро, маънавий-маърифий қадриятларимизнинг тикланиши кўпгина атамаларнинг янгилиниши, шаҳару қишлоқ, кўчаларимиз номини ўзгаришида ҳам кўринади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда Ленин, Фрунзе, Оржоникидзе, Ворошилов, Октябрь каби жой номлари буткул унутилиб, улар ўрнида халқимизнинг миллий-маънавий қиёфасига мос, эзгуликка, маърифатга қаровчи атамалар, жой номлари юзага келди.

Хусусан, вилоятимиз мисолида ҳам бу ҳақда кўп ва ҳўб сўзлаш, мисоллар келтириш мумкин. Ҳозирги кунда шаҳар-қишлоқларимизнинг номланишида Истиклол, Мустақиллик, Озодлик, Дўстлик, Бирлик, Нурафшон, Эзгулик, Янги ҳаёт, Шодималик ота, Меҳнатобод каби халқимиз табиати, руҳиятига яқин атамалар қўлланилмоқда. Лекин, айрим мутаассадларнинг эътиборсизлиги туфайли баъзи номлар эскилигича қолган. Ёки, ўзгаририлган бўлса ҳам, амалда эски

номи билан юритилмоқда. Бу ҳақда республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Назаров шундай дейди:

– Дарҳақиқат, вилоятимиз ҳудудларидаги жой номлари,

Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси шу йил 22 май куни "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан йиғилиш ўтказиб, унинг

уй-жой ҳужжатлари шу номлар билан рўйхатга олинмоқда. Аслида, бу кўчалар номи "Нурафшон", "Обиҳаёт" деб алмаштирилган.

Худди шундай ҳолат Пис-кент туманида ҳам кузатилди:

мутахассислар ёрдамида фойдаланишлари, географик объектларни рўйхатдан ўтказиш ва номларнинг электрон базасини қайта тўлдирилари зарур. Бунда қонунчиликка мувофиқ, юртимиз тарихида чуқур из қолдирмаган шахслар номи билан аталган кўча, хиёбон ва умуман, географик объектларнинг атмасини ўзгаришига алоҳида эътибор берилиши зарур.

Шу ўринда ёш ижодкорлардан бири Отабек Исроилонинг тахририятга йўллаган кўнучак мактубидаги мана бу фикрларни келтиришни жоиз топдик. Зеро, навқирон қалб изҳорлари, мулоҳазалари мутасаддиларни бефарқ қолдирмас: "Йўлда кетатубиб, "IMBIR", "Gold plitka", "Vinovodka", "Elegant", "Вкусные продукты", "Sunday", "Грилл" деган пешлавларга бот-бот кўзим тушиши билан дилим хуфтон бўлаверади. Тагин, ўлганнинг устига тепган қилиб, "Орен" деган лавҳани ҳам олиб қўйишди. Тава! Ўйлаб қолсан киши, наҳотки, шуларни ёзганларда миллий гурур бўлмаса?!"

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Мутахассислар тегишли вазирликлар томонидан янгиланган услубий қўланма ва тавсиялар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш бўйича ҳамда оромгоҳлар учун қизиқарли сценарийлар тўпламлари билан таъминланди. Шунингдек, жорий мавсумда кундузги оромгоҳлар фаолиятини тақомиллаштириш, мазмунан бойитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мавсум давомида ҳар бир оромгоҳда нафақат ички ишлар идоралари, балки ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, коммунал соҳа ходимларининг ҳам кечаю-кундуз навбатчилиги ташкил этилган. Болаларни оромгоҳга олиб бориш ва олиб келиш ишлари йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатуви остида амалга оширилмоқда. Шунингдек, барча оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги чоралари қўрилди.

Юқоридаги тавсиялар асосида ишлаб чиқилган дастур ва тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширилган ишлар натижасида бугун соғломлаштириш оромгоҳлари нафақат болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича ҳордиқ масканлари, балки уларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш марказларига айланди.

Оромгоҳларда ўтказилиши режалаштирилган тадбир ва акциялар ўғил-қизлар маънавиятини юксалтириш, дунёқаролини кенгайтириш ҳамда улар-

ни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган. Ушбу тадбирлар тўдан янгиланган дастурлар асосида ўтказилмоқда. "Мустақиллик менинг тақдиримда", "Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакат", "Қасаба уюмчалари – болаларга" каби акциялар, ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва давра суҳбатлари, маданий тадбирлар шулар жумласидандир.

Барча оромгоҳларда болалар учун махсус ишлаб чиқилган ҳужжатли, бадиий ва анимацион фильмлар намойиш этиб боришмоқда. Ва албатта, ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари болаларга мос куй-қўшиқ, шеър ва музикалар ёзилган дисклар, жорий – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида олиб борилаётган ислохотлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришчи банер ва плакатлар, стендлар ва кўргазмаларни воситалар билан таъминланган.

Мухтасар айтганда, ёз мавсумида эртанги кунимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз таътилини мазмунли ўтказишлари, мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

◀◀ Бошланғич 2-бета.



ДРОНЛАР ОДАМ ҚУТҚАРАДИ

Замонавий технологияларнинг янги авлоди – дронлар ҳаётда ўз ўрнини топиб бормоқда. Хусусан, хитойликлар дрон-ка-терлардан қутқариш ишида фойдаланишмоқда.

Анхой провинциясидаги катта сув ҳавзаларида мустақил ҳаракатлана оладиган илк қутқарув катери сувга туширилди. Янгича қайиқлар сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўлган йирик дарёлар, кўллар ва денгизларда хизмат олиб боради.



Қутқарув дрони ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, катер бортига ўрнатилган камералар инфракизил сенсорлар ёрдамида сувда ҳаракатланаётган кишиларнинг барчасини

кузатади ва қимдир узокроқ масофага сузиб кетса, бу маълумот дарҳол кузатув марказига жўнатилади ва қутқарувчилар бригадаси чақирилади. Мутахассислар дрон-катерлар келажақда оммалашши ва катта фойда келтиришига умид қилишмоқда.

ОЙ ЧАҚНАГАН КЕЧА

Коинот силраларини ўрганувчи фалакшунослар Ер йўлдоши – Ойда чакин ўзи беришини кўп кузатишади. Лекин бунинг сабаби яқин-яқингача сир бўлиб қолаётган эди.

Осмон җисмларини ўрганувчилар орасида бунинг ўзга сайёраликлар билан боғлиқликлари ҳам учрайди. Лекин олимлар табиатнинг бу ҳодисасини илмий асослар билан исботлашнинг уddасидан чиқибди.



Астрофизикларнинг фикрича, Ойнинг атмосферасида булутга ўхшаш зич тўпламлар пайдо бўлади ҳамда уларда куёш нури акс этади. Ердан туриб қаралганда, оний сояда кузатишув-

чи ана шу акс чакин бўлиб кўринади. Шунингдек, Ой сиртидаги кристаллар ҳам электр кучи ҳосил қилиб, чакмоқ эффектлари юзага келтириши, Ернинг табиий йўлдошига турли метеоритлар келиб урилиши оқибатида ҳам чакин пайдо бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 15 июль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёнғин ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 18-23 даража илқ бўлади.

БЎЛАЖАК ГРОССМЕЙСТЕРЛАР БЕЛЛАШДИ



Пойтахтимизда шахмат бўйича ўтказилган "Тошкент ёзи – 2017" анъанавий рейтинг турнирида ҳам юртимизнинг энг истеъдодли

Спорт – навқирон авлод тарбиясининг муҳим мезонидир. Шу маънода, юртимизда ўғил-қизлар ўртасида спорт турлари жадал оммалашмоқда. Айниқса, "ақл гимнастикаси" – шахмат билан мунтазам шуғулланаётган болалар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Шахмат

шахматчилари бир неча гуруҳда ташкил этилган беллашувларда ўз имкониятини синовдан ўтказди. Нуфузли мусобақанинг "Б" гуруҳида вилоятимиз спортчиси Шодиёр Шукуралиев ғалаба қозонди. Ушбу гуруҳда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 13 ёшгача

иқтидор эгаси турнир давомида пойтахтлик Амал Дамиров, Муҳаммадиқбол Анваржонова, Самира Олимжонова, Бобур Йўлдошев, Умар Отахонов, Мираброр Мирпўлатов, Хидирдавлат Раимқулов, қашқадарёлик Суннатullo Иброҳимов, вилоятимиз вакили Малик Бобоқуловни мағлубиятга учратди.

Ғолиб ва совриндорлар медал ва дипломлар билан тақдирланди. **Зохир ТОШХЎЖАЕВ**, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Шанба табассуми

«PADDIA ТАЛАБ ҚИЛАМАН»

ишни ҳам тузукроқ эплай олмаган. "Ичиб маст бўлиб, қўшниси Тўланбойнинг бошига устма-уст мушт солди, олти ташишни синдириди", – деган гап ҳам ғирт ёлғон. Билмас, нима қилади ёзиб? Боксёр бўлсам-ки, устма-уст мушт туширсам, бунақа усулни билмайман. Мўлжаллаб туриб, битта солганман, шилқ этиб тушган. Вассалом! Иннайкейин, олтига эмас, атиги

тўртта тиши кетган, холос. Бу ҳам майли, аммо охириги гапи нақд у ёғ-бу ёғимдан ўтиб кетди: "Ҳалиям тавбасига таянмай, қўшнисига тиш қайраб юрибди...". Фаросати борим ўзи, тўрт мўчам соғ, муштларим, оёқларим омон бўлса, тишимни қайраб нима қиламан? Нима, мен уни еримдим? Хуллас, шу тўғрида кичикроқ раддия эълон қилиб, бу бемаза мухбирини тартибга чакоришнингизни илтимос қиламан. Ё бўлмаса, манзилени беринг, иссиғида ўзим гаплашиб қўя қолай. Шу бола билан бир гаплашгим келаяпти-да...

Жанжаловуллик ҚИЁМИДДИН.

Жиноятга жазо муқаррар

Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судида Мақсад Муродов (исм-фамилиялар ўзгаририлган)нинг жиноий иши кўриб чиқилмоқда. Суд мажлиси иштирокчилари суриштирув жараёнида тўпланган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмаларини диққат билан тинглапти. Фақат, бошини куйи солиб ўтирган биргина Мақсаднинг ҳаёли паршон. У қонуни билмаслик жазодан озод қилмаслигига ишончи ортгани сайин: "Қачон, қандай қилиб бундай хатога йўл қўйдим", деган саволларга жавоб ахтарар, сўнги икки йилдаги тадбиркорлик фаолияти тафсилотлари кино тасмасидек бирма-бир кўз олдида ўтиб боради...

Эндигина 25 ёшни қаршилаган бу йигитнинг ишлари нолирилик даражада ёмон эмасди, аслида. Зангиота туманидаги "Чигатой Оқ-тепа" масъулияти чекланган жамиятига қарашли ёғоч бозори-

да "сайга"лик, яъни сотувчи ва харидор ўртасида воситачилик қиларди. Хушмуомаласи билан харидорлар кўнглини олар, сотувчилар эса бозорини чақонлаштирарди. Яхшими-ёмонми, шунинг орқасидан оила тебратарди. Шоҳона бўлмаса ҳам,

шини, ҳатто, пулнинг тағдига қўлиб кетиши мумкинлигини, шунингдек, тахта савдоси бўйича улкан тажрибаси борлигини обдон тушунирди. Биз-несни бошлаш учун эса, аввало, у тадбиркор сифатида рўйхатдан ўттиши лозимлигини айтиб, бу борада йўл-йўриқлар кўрсатди. Мулоқотда асосий

этибор Мақсаднинг оли-нажар даромди салмоғига қаратилди. Чунончи, сотилган ҳар бир вагон тахта учун унга юздан 250 минг сўмгача улш тегадиган бўлди. Албатта, бу пуллардан у бизнес учун бир тийин ҳам сарфламайди. Тахтанга олиб келиш, орт-тушир, ҳужжатларни расмийлаштириш, харидор топиш, хуллас, ҳаммаси Абайнинг ҳисобидан. Қандай ажайиб "келишув"!

Шу билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди ва Абайнинг кўрсатмалари орқали ишлар бошланиб кетди. Дастлаб, Мақсад Зангиота тумани давлат

солиқ идорасидан рўйхатдан ўтиб, яқна тартибдаги тадбиркорга айланди. "Давр банк"нинг Учтепа тумани филиалида махсус ҳисоб рақами очтирди. МЧЖга ариза ёзиб, савдо учун жой олди. Хуллас, ишлар бошланиб, юришгандан-юришиб кетди. 2016 йилнинг февралдан ноябрга қадар

Абайдан хизматлари эвазига тахминан 45 миллион сўм ҳақ олди. Кети узиламай келаётган жарақ-жарақ пулларнинг бошини чунонам айлантирдик, шериги қайси тартибга асосан иш юритаётгани ҳақида зинҳор ўйламасди. Унинг ҳаёли фақатгина Абайнинг кўрсатмаларига асосан тахтани сотиш, у тақдими этган ҳужжатларга имзо чекиш, муҳр бошиш ва бунинг эвазига пул олишдан иборат бўлиб қолди.

2016 йилнинг сентябрь ойи бошларида Тошкент вилояти давлат солиқ бокшмаси ва Зангиота тумани прокуратураси хо-

димлари томонидан ёғоч бозорида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Жумладан, тахтафурушлар фаолияти ўрганилганда, камомад аниқланди. Яъни, ҳужжатда бор маҳсулотлар дўконида йўқ. Айнан шунинг учун у текширувчиларга тушунтириш хати ёзиб берди. Аммо, раҳнамоси ҳақида лом-мим де-

мади. Ахир, унинг номи-ни сотиш тайёр даромаддан, яъни узлуксиз оқиб келаётган пуллардан воз кечиш билан баробар эди-да. Шу боис, у шеригига садоқат кўрсатди. Сотмасликка-сотмадию, аммо пайтавасига қурт тушди. Камомад осмондан келмайди, ахир. Ҳужжатда бор, аслида йўқ тахталарни эса Абай аллақачон "пуллаб" юборган. Солиқлардан қутулиш учун бу ҳақда ҳеч қаерга

... Суд жиноят иши бўйича тўпланган далилларни ўрганиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, Мақсад Муродовни айбдор деб топди. Уларлик, очкўзлик, сохтакорлик жавобсиз қолмади.

Аввас ИСРОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бокшмасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ Назоратчи мусахҳиҳ Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	--	--	--	---	--

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-9510.

Адади 7 419.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.45.